

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖАББОРОВ РУСТАМЖОН МАДИЕВИЧ

**АЛИШЕР НАВОИЙ “ОҚҚЎЮНЛИ МУХЛИСЛАР ДЕВОНИ” ВА
УНИНГ ДАВР АДАБИЙ МУҲИТИДА ТУТГАН ЎРНИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Джабборов Рустамжон Мадиевич
Алишер Навоий “Оққўюнли мухлислар девони”
ва унинг давр адабий мухитида тутган ўрни..... 3

Джабборов Рустамжон Мадиевич
“Диван акқоюнли мухлислар девони” Алишера Навои и его место в
литературной среде того периода..... 25

Djabborov Rustamjon Madievich
Diwan of the Aq-Qoyunlu admirers of Alisher Navoi and his place in the
literary environment of the period..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 49

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖАББОРОВ РУСТАМЖОН МАДИЕВИЧ

**АЛИШЕР НАВОИЙ “ОҚҚЎЮНЛИ МУХЛИСЛАР ДЕВОНИ” ВА
УНИНГ ДАВР АДАБИЙ МУҲИТИДА ТУТГАН ЎРНИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Fil1102 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг www.samdu.uz ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Эркинов Афтондил Садирхонович,
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: Юсупова Дилнавоз Раҳмоновна,
филология фанлари доктори, доцент

Гаффоров Нодир Насриевич,
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи илмий муассаса: Тошкент давлат шарқшунослик университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «19» ноябр соат 11 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15.Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети бош бино, 1-қават, анжуманлар зали (105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (59-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2020 йил «6» ноябр кuni тарқатилди.
(2020 йил «6» ноябр даги 62 -рақамли реестр баённомаси).



[Signature]
М.Қ.Муҳиддинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

[Signature]
А.Б.Пардаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби филол.ф.д.

[Signature]
Б.Йўлдошев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, филол.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида инсоният тамаддунининг буюк сиймолари ҳаёти ва ижодини чуқур тадқиқ этиш, улар яратиб қолдирган маънавий мероснинг таъсир доирасини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш адабиётшунослик фанининг муҳим йўналишларидан бири саналади. Зотан, ҳозирги глобаллашув шароитида ҳар бир халқ ва унинг буюк даҳолари яратган маънавий мероснинг бутун инсоният тараққиётида тутган ўрнини белгилашга қизиқиш ва эътибор ортиб бормоқда. Чунки, улар яратиб қолдирган асарлар замон ва макон чегараларини тан олмайди, ҳар бир даврда бутун башарият наздида ўз кадр-қимматини йўқотмасдан, ҳар доимгидек муҳим аҳамият касб этиб бораверади. Бинобарин, қадимий қўлёзмалар таҳлили, матннинг қиёсий нуқтаи назардан ўрганилиши ва уларнинг бадиий ва тарихий аҳамиятини аниқлаштириш адабиётшунослик ривожини ва такомиллигига замин яратиб, буюк мутафаккирлар маънавий меросини замонавий нуқтаи назардан тадқиқ этишда чуқур ва кенг қўламли тадқиқотлар олиб бориш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Дунё адабиётшунослигида буюк олимлар, шоирлар, алломалар ҳаёти ва ижоди жаҳон цивилизацияси, тафаккурига бекиёс ҳисса қўшган мутафаккирлар меросини фақат маълум бир халқ ёки ҳудуд маънавий ҳаёти, тарихи ва маданияти доирасида эмас, балки кенг миқёсда ўрганиш борасида ҳам муайян илмий изланишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, буюк аجدодларимиз ҳаёти ва ижоди, улар яратиб қолдирган асарларнинг ўзига хос хусусиятлари, таснифи, ғоявий-бадиий жиҳатлари, жаҳон мумтоз адабиёти ривожигаги ўрни турли даврларда дунёда кўпгина олим ва тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари учун асос бўлгани ҳам фикримизни исботлайди. Шу билан бирга, Шарқ мумтоз адабиёти тарихига оид изланишларда муайян бир мутафаккир маънавий меросининг ўзи яшаган муҳитдан ташқаридаги ўрни ва аҳамияти, бошқа халқлар, элатлар ва сулолалар адабий муҳитига таъсири, унинг бошқа ҳудудларда яратилган қўлёзмаларини қиёсий нуқтаи назардан ўрганиш дунё миқёсида замонавий адабиётшунослар олдидаги муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бугун Ўзбекистонда аجدодларимиз яратиб қолдирган маънавий мерос намуналарини тадқиқ этишда ҳам ана шу жиҳатларга жиддий эътибор қаратиш мамлакатимизда илм-фан, таълим, маънавият ва маърифат йўналишларида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятига ҳар тарафлама мос келади. Зеро, “бизнинг қандай буюк ва шонли ўтмишимиз, қандай улуғ аجدодларимиз борлигини яхши биламиз ва бу билан ҳамиша фахрланамиз”¹. Хусусан, Алишер Навоийнинг турли мамлакатларда яратилган ва сақланаётган қўлёзмалари тарихи, таркиби, ўзига хос хусусиятлари ҳам тадқиқотчилардан алоҳида ғайрат ва изланишларни талаб этади. Ана шундай нодир манбалардан бири Алишер Навоийнинг “Оқкўюнли

¹ Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Халқ сўзи. 2017 йил 4 август.

мухлислар девони”дир. Мазкур девон ҳам бир катор қадимий кўлёмалари қаторида нафақат шоир яшаган муҳит, балки ундан ташқарида ҳам Навоий шахсияти ва шеърлятига қизиқиш юқори бўлганини кўрсатади. 1471 йилда тузилган мазкур кўлёмма Навоий ижодий лабораториясини чуқур таҳлил этишга, унинг ижод намуналари тарқалиш ҳудудини замон ва макон нуқтаи назаридан ўрганишга кенг йўл очади. Бинобарин, мазкур девон мисолида Алишер Навоийнинг темурийларга қўшни бўлган окқўюнлилар давлати адабий муҳити ривожига қўшган ҳиссаси, девоннинг ўзига хос жиҳатлари, тарихий ва бадий аҳамиятини монографик тарзда яхлит ўрганиш мазкур диссертациянинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”², 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3074-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий ёдгорликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида”³, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”⁴ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги 572-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлар тўғрисида”⁵ қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий меросини ўрганиш юзасидан бугунга қадар кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган⁶. Навоийнинг Шарқ халқлари, хусусан, окқўюнлилар, қорақўюнлилар, сафавийлар ва усмонийлар каби давлатларнинг адабий муҳитидаги ўрни, ижодий таъсири ҳақида Е.Э.Бертельс, В.В.Бартольд, Ф.Кўпрулу, З.В.Тўғон, К.Эраслан, Э.Бирнбаум, Ж.Вудс, У.Сергкая, З.Клайнмихел, Ж.Нагиева, Р.Эйвазова, А.Улви, Т.Сейҳан, Ю.Четиндоғ⁷

² <https://lex.uz/docs/3211987>

³ <https://lex.uz/ru/docs/3238676>

⁴ <https://lex.uz/docs/3338600>

⁵ <https://lex.uz/docs/3296658>

⁶ Қ.: Алишер Навоий. Қомусий луғат. 1-2 жилдлар. – Тошкент: Шарқ, 2016.

⁷ Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Сочинения. II. – Москва, 1963. – С.199-260; Бертельс. Е.Э. Навои и Джами. – Москва: Наука, 1965; Birnbaum E. “The Ottomans and Chagatay literature. An

хамда ўзбек олимларидан, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, Н.Маллаев, С.Эркинов, М.Муҳиддинов, И.Ҳаққул, Ш.Сирожиддинов, С.Олим, О.Давлатов, Д.Қобулова, Т.Султонов, Р.Рўзмонова каби кўплаб олимларнинг тадқиқотларида ёритилган⁸.

Оққўюнлилар давлатидаги хаттотлик ва миниатюра санъати, хусусан, “Оққўюнли мухлислар девони”ни кўчирган хаттот Абдурахим Хоразмий – Анисийнинг ҳаёти ва фаолияти Ш.Блэйр, Х.Клемент, М. Баёний, А.Судовар, П.Сужек, С.Йошуфуса сингари олимлар томонидан атрофлича тадқиқ этилган⁹.

“Оққўюнли мухлислар девони” 2012 йилда илм-фан аҳлига маълум қилинди ҳамда унинг таркиби М.Имомназаров, Т.Сейхан, А.Эркинов, Д.Юсупова изланишларида муайян жиҳатдан тадқиқ этилди¹⁰. Шунингдек, бир қатор турк, озарбайжон ва ғарб тадқиқотчилари томонидан оққўюнлилар давлати тарихи, маданий муҳити ҳам атрофлича ўрганилган¹¹. Аммо мазкур мавзу йўналиши мутлақо янги бўлиб, хориждаги манбани чуқур, ўз даври тарихи фонида, сўнгра таркибий тузилиши, матннинг кўчирилиши,

Early 16th Century Manuscript of Navā'i's Divan in Ottoman Orthography” // *Central Asiatic Journal*. XX, 1976. – P.157-190; Kleinmichel S. “Mir Aliser Nava'i und Ahmed Pasa” // *Archivum Ottomanicum*. №17, 1999. – P. 77-211; Kleinmichel S. «Ali Şir Nevayi ve Osmanlı şairler» // *Türk edebiyatı Tarihi*. №1. Istanbul, 2006. – P. 683-691; Нагиева Дж. Бакинские рукописи Алишера Навои.– Баку: Элм, 1986; Нагиева Дж. Наваи и азербайджанская литература XV–XIX вв. – Ташкент: Фан, 1990; Nağyeva S. *Azərbaycanda Nəvai*. – Bakı: Tural-E.2001. – B. 61; Woods J. *The Aq Qoyunlu: Clan, Confederation, Empire* (2nd ed.). – Salt Lake City, 1999; Eyvazova R. N. *Kişvəri «Divan»ının dili: (morfoloji xüsusiyyətləri)*. – Bakı: Elm, 2005; Четиндоғ Ю. Алишер Навоий ва Усмонли шەърияти. – Тошкент. Мухаррир, 2011; Ulvi A. *Əlişir Nəvai Azərbaycan ədəbiyyatşünaslığında*.– Bakı: Qartal, 2008;

⁸ Кабулова Р.В. Традиции “Маджалис ун-нафаис” Алишера Навои в тюркоязычной литературе (на материале антологии Садиқбека Садики “Маджма ул-хавас”). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Ташкент, 1979; Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий манбаларнинг киёсий-типологияк таҳлили. Тошкент. Академнашр, 2011; Ҳаққул И. Алишер Навоий ва Султон Абусаид. // *Ўзбек тили ва адабиёти*. 2015. №1; Султанов Т.И. Алишер Навоий ва озарбайжон адабиёти: тарихий илдизлар, анъаналар, ворисийлик (Кишварий ва Содикий асарлари мисолида). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2020;

⁹ Bayānī Mehdi. *Ahwāl va āthār-e khūshnavisān*. Jeld-e 1-2. Tehrān: Elmi. 1363 [1985]; Huart Clement. *Les Calligraphes et les Miniaturistes de l'Orient musulman*. Osnabrück: Otto Zeller Verlag. 1972; Blair Sheila. *Islamic Calligraphy*. – Edinburg: Edinburg University Press, 2006; Soudavar A. *Art of the Persian Courts: Selections from the Art and History Trust Collection*.– New York: Rizzoli, 1992; Yoshifusa S. «Pajūheshhāyi dar bāra-ye du muraqqa'i Sulṭān Ya'qūb: yādgārii az 'asre Qaraqoyūnlū va Aqqoyūnlū» // *Nāme-ye bahārestān*. Tehrān, №16, 2010. – P. 30; Soucek P. *Eskandar Soltān* // *Encyclopedia Iranica*. Vol. VIII, 1996. – P. 603-604.

¹⁰ Имомназаров М. Уч девон муқоясаси // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзусидаги илмий-назарий анжумани материаллари. – Тошкент: Турон-Иқбол, 2018. – Б. 42-48; Эркинов А. “Дунёда ягона қўлёзма (Алишер Навоий ихлосмандлари томонидан тузилган янги девони топилди)” // *Ўзбекистон адабиёти ва санъати*, 2012 йил, 17 февраль. – Б. 1-4; Алишер Навоий. Оққўюнли мухлислар девони (1471 йил). Нашрга тайёрловчи А.Эркинов. – Tokyo: Institute for Languages and Cultures of Asia and Africa, 2015; Юсупова Д. “Илк девон”дан “Оққўюнли мухлислар девони”га ўтган ғазаллар трансформацияси” // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзусидаги илмий-назарий анжумани материаллари. – Тошкент: Турон-Иқбол, 2018.– Б 69-76.

¹¹ Pfeifer J. *Politics, patronage and Transmission of Knowledge in 13th-15th Century Tabriz*. – Leide-Boston: Brill. 2014. – P. 35-37; Иванов М. С. История Ирана. Москва: Издательство МГУ, 1977; Minorsky V. *Jahanshah Qara Qoyunlu and his Poetry* // *Turkmenica*, № 9. Bulletin of the school of Oriental and African Studies, University of London, V16. 1954. – P. 308; Qızılbaşlar tarixi. (Tərcümə və şərhlər M. Ə. Məhəmmədinindir). Bakı: Azərbaycan, 1993; Adnan S. E. *Akkyunlu ve Karakoyunlu tarihi hakkında. Türk tarihi kurumu. Belleten, XVIII C. № 70, 1954; Karakoyunlu Cihānşāh Hakiki'nin Türkçe Şiirleri. Hazırlayan Prof. Dr. Muhsin Macit. T. C. – Ankara: Kültür ve turizm bakanlığı kütüphaneler ve yayımlar genel müdürlüğü. 2012; Demirci J. *Azerbaycan şairi Kişvəri'nin Nevāyi şiirlerine yazdığı tahmisler*. Ankara: Ankara üniversitesi Dil ve tarih-coğrafya fakültesi türkoloji dergisi. №17, 2010; Macit M. “Karakoyunlu ve Akkoyunlu Türkmenlerinin Edebi Faaliyetleri” // *Türkler, Yeni Türkiye Yayınları*. C. 7. – S. 696.*

аслиятнинг сақланиши, тил хусусиятлари, жанрлари, мазмуни каби масалаларни ёритиш махсус ўрганишни тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган “Алишер Навоий ижоди ва адабий таъсир масалалари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. “Оққўюнли мухлислар девони” мисолида Алишер Навоий ижодига қизиқишнинг ҳудудий кенглиги, девонга киритилган шеърлар хронологияси, яратилиш тарихи ва санасини аниқлаш, шоирнинг турли девонларидаги тафовутларни девон матни асосида қиёсий текшириш, Навоий ижодининг ўз даврида давлатлараро сиёсий-ижтимоий муносабатлардаги ўрни ва аҳамиятини ёритиш мақсад қилиб олинди. Шунингдек, девондаги лирик шеърлар мисолида Навоий ижодхонасини, шоирнинг тахминан 26-30 ёш оралиғидаги (“Илк девон”га киритилмаган, аммо “Оққўюнли мухлислар девони”да учровчи) лирикасининг мазмун-моҳияти ҳамда бадиий маҳоратини тадқиқ қилиш ишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Оққўюнлилар давлатида Навоий ижодига бўлган қизиқиш ва адабий таъсир масаласини ёритиш;

Навоий яшаган даврдаги туркий тиллар, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини девон матни мисолида таҳлилий тавсифлаш;

Навоийнинг ўғуз туркчасига мослаштирилган асарларини аслиятдаги матни билан қиёслаш, тафовутларини аниқлаш;

Навоийнинг 26-30 ёш оралиғида ёзган асарларининг тахминий миқдорини белгилаш;

“Оққўюнли мухлислар девони”нинг шаклан ва мазмунан ўзига хослиги ҳамда Навоий ижодини ўрганишдаги аҳамиятини белгилаш.

Тадқиқот объекти. Миср Араб Республикасининг Қоҳира шаҳридаги Миллий кутубхонасида Turc Lib 68 рақами остида сақланаётган, шартли равишда “Оққўюнли мухлислар девони” деб номланувчи қўлёзма асосий объект сифатида танланди. Айти матннинг факсимил нашри асосий манба, Алишер Навоийнинг 1987-2003 йилларда чоп этилган 20 жилдлик мукамал асарлар тўплами таянч манба бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, Алишер Навоийнинг Санкт-Петербургдаги Россия Миллий кутубхонасида сақланаётган “Илк девон”и факсимил нашридан (Тошкент, 1968) ҳам фойдаланилди.

Тадқиқот предметини “Оққўюнли мухлислар девони”нинг яратилиш тарихи, девон таркиби, унда шеърларнинг хронологияси, ғоявий-бадиий ҳамда лингвистик хусусиятлари, оққўюнлилар маданий муҳити ва теурийлар билан алоқаларидаги ўрни ва аҳамиятини ўрганиш масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, биографик методлардан, хронологик таснифлаш, тавсифлаш усуллари билан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Оққўюнли мухлислар девони” таркиби, жанрлар, ғазаллар хронологияси, бошқа девонлардаги ўрни, мазмуни тасниф ва таҳлил қилинган, айрим ғазалларининг ёши, яратилиш вақти аниқланган;

“Оққўюнли мухлислар девони” матнини тўлиқ таҳлил қилиш ва тил хусусиятларини қиёсий текшириш натижасида девоннинг яратилиш тарихи билан бевосита алоқадор шахслар биографияси асосланган;

девонни бошқа девонлар матни билан қиёслаш натижасида Алишер Навоийнинг кўплаб янги байтлар топилган ва битта янги ғазали аниқланган;

Оққўюнлилар саройидаги адабий муҳитнинг ривожидида Ҳиротнинг адабий марказ сифатидаги мавқеи ёритиш орқали Навоийнинг оққўюнлилар даври адабиётига таъсирига доир янги қарашлар далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Оққўюнли мухлислар девони”нинг тарихи, яратилиш сабаблари, таркиби ва ўзига хос хусусиятлари ўрганилиши натижасида ушбу кўлёманинг Алишер Навоий ижодини тадқиқ этишдаги ўрни, шоирнинг ижодий таъсир доираси, кўлёманинг илмий, тарихий ва бадиий аҳамияти кўрсатиб берилган. Ушбу тадқиқот асосида ўзбек адабиётшунослиги учун зарур илмий факт ва маълумотларни аниқлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек, тадқиқот давомида чиқарилган хулосалар адабиётшунослик учун янги илмий-назарий маълумотлар бериши, ўзбек адабиёти тарихи, навоийшунослик каби фанлардан яратиладиган ишчи дастур, дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилиши асосланган;

“Оққўюнли мухлислар девони”нинг навоийшуносликдаги муҳим манба сифатида аҳамияти кўрсатиб берилгани бугунги китобхонлар, мумтоз адабиёт ихлосмандлари, айниқса ёш авлод вакиллари дунёқараши ва тафаккурини ўстиришда, жамиятнинг ахлоқий-эстетик ва маънавий-маърифий такомиллида алоҳида ўрин тутиши аниқланган, ёшларни аждоқларимиз ҳаёти ва фаолияти, уларнинг етарлича ўрганилмаган жиҳатлари билан таништиришда, китобхонликни тарғиб қилишда манба вазифасини ўтаган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Навоий ижодидан иборат хориждаги янги аниқланган манбанинг факсимил нусхаси асосида илк маротаба тўлиқ ўрганилаётгани ҳамда бошқа девонларга қиёсан чиқарилган хулосаларнинг асосли экани билан далилланади. Девон билан боғлиқ маълумотлар, адабий жараён, замондош шахсларни аниқлашда сиёсий-тарихий адабиётларга таянилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг илмий натижалари Навоий яшаган давр фонидида девоннинг илк маротаба батафсил ўрганилаётгани, янги маълумотлар илмий истеъмолга олиб кирилаётгани билан аҳамиятлидир. Темурийлар ва оққўюнлилар

орасидаги муносабатлар ва маданий алоқаларга оид жараёнлар ишончли манбалар асосида тиклангани, мазкур давр шарқий ва ғарбий тиллар ўртасидаги фарқлар матний таҳлил қилингани билан аҳамиятлидир, Навоийнинг айрим ғазаллари таркибида бир пайтлар мавжуд бўлган, кейинчалик қандайдир сабаблар билан тушириб қолдирилган ёки олиб ташланган байтлар тиклангани ишнинг қимматини оширади. Навоийнинг Самарқандда яшаган даврига оид шеърятининг маълум жиҳатлари ёритилгани ҳам алоҳида эътиборга молик.

Келгусида мазкур тадқиқот орқали топилган янги маълумотлар ўзбек адабиёти тарихи, матншунослик бўйича ёзиладиган дарслик ва қўлланмаларда фойдаланилиши мақсадга мувофиқ. Чунки, айти пайтга қадар чоп этилган ўқув қўлланмаларида Навоий меросининг у яшаган даврда теурийлар адабий муҳитидан ташқарида ҳам ўзига хос таъсир доирасига эга бўлгани хусусида маълумотлар деярли учрамайди. Шоир ижодининг мухлислари томонидан дастлабки эътирофи сифатида “Илк девон” ҳақида аксарият китобларда етарлича маълумот берилган бўлса-да, “Оққўюнли мухлислар девони” тўғрисида тўхталиб ўтилмаган. Мазкур диссертациянинг илмий натижаларидан ана шундай дарслик ва қўлланмаларда ҳам атрофлича фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Оққўюнли мухлислар девони”ни ўрганиш натижалари қуйидаги ишларда жорий этилган:

Алишер Навоий лирикаси ва давр адабий муҳитини ўрганишга доир илмий-назарий натижаларидан ОТ-Ф8-027 рақамли “Кўлэзма манбаларнинг миллий маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 1 февралдаги №89-03-419 сон маълумотномаси). Натижада талаба-ёшлар Алишер Навоийнинг оққўюнлилар даври адабиётига таъсирига доир янги маълумотларга эга бўлишган;

Оққўюнлилар саройидаги адабий муҳитга доир хулосалардан 5.1.17 рақамли “Шарқ мумтоз адабиётинида комил инсон концепцияси” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 1 февралдаги №89-03-419-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижасида Алишер Навоий ижодининг ўз даврида давлатлараро сиёсий-ижтимоий муносабатлардаги ўрни ва аҳамиятига доир маълумотлар такомилштирилган;

Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди, асарларининг хориждаги манбалари каби маълумотлардан “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг “Тақдимот” ва “UzReport-TV” каналининг “Битмас хазина” кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон телерадиоканали” ДУКнинг 2019 йил 19 октябрдаги 02-40-2396 рақамли ва “UzReport” ахборот агентлигининг 2020 йил 7 февралдаги 30-сонли маълумотномалари) Тадқиқотдаги Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига доир маълумотлар кўрсатувлар мазмун-моҳиятини бойитишга хизмат қилган;

Тадқиқотда келтирилган хулосалардан “Даракчи” газетасининг “Мозий” рукнидаги мақолаларда фойдаланилган (“Даракчи Информ Сервис”

МЧЖнинг 2020 йил 2 сентябрдаги №D-157-сонли маълумотномаси). “Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида” туркумидан чоп этилаётган китоб-альбомлар, хусусан, 2017 йилда нашрдан чиққан “Ўзбекистон маданий мероси: Россия Фанлар академияси Шарқ кўлёмалари институти тўплами” жилдида мазкур тадқиқот илмий натижаларидан фойдаланилган (“Zamon-Press-Info nashriyot uyi” МЧЖнинг 2020 йил 16-сентябрдаги №18-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу манбалар муҳим маълумот билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 24 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 161 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Алишер Навоийнинг Окқўюнлилар даври адабий муҳити билан ижодий алоқалари**» деб номланади. «XV–XVI асрларда адабий туркий тиллар ва Алишер Навоий ижоди» номли биринчи фаслда Навоий яшаган даврдаги туркий адабий тилларнинг таснифи ва Навоийнинг ушбу тилларга муносабати ўз аксини топган. Маълумки, XV–XVI асрларда тил, миллат ва элатларнинг номланиши ҳозирги ҳолатидан фарқ қилган. Навоий замонасида «ўзбек» атамаси бугунгидек бутун бир миллатни эмас, туркий қавмлардан бирининг номини англаган. «Турк» атамаси эса, Навоий асарларида нисбатан кенгрок мазмунда қўлланган. Жумладан, у ўз асарларини турк (туркий) тилда битганини фахр билан таъкидлайди¹².

¹² Дониёров Х. Алишер Навоий асарларида “турк”, “ўзбек” ва “туркман” терминларининг қўлланилиши // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1969. №9, – Б. 60-68.

Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида машҳур Озарбайжон шоири Имодуддин Насимийга таъриф бераркан: “*Ироқ ва Рум тарафидаги мулкдин эрқандур. Румий ва туркмоний тил била назм айтибдур*”,¹³ деган жумлаларни келтиради. Навоий даврида “Озарбайжон тили” деган тушунча ҳам бўлмаган. Озарбайжон фақат жой номи сифатида ишлатилган. “Румий” деганда бу ўринда олдинги Византия – Навоий давридаги усмонийлар давлати тилини, “туркмоний” деганда эса, ўша даврда темурийларга чегарадош яна бир туркий давлат – окқўюнлилар адабий тилини тушуниш мақсадга мувофиқ.

Демак, Навоий туркий тил деганда, ўзи ижод қилган она тилини ҳам туркмоний тилдан ажратиб кўрсатган. Салжуқийлар, усмонийлар, қорақўюнлилар, окқўюнлилар, сафавийлар сингари сулолалар даврида битилган тарихий, илмий ва бадий асарларни ўрганиш жараёнида уларнинг тили шаклий ва услубий жиҳатдан Хуросон ва Мовароуннаҳрда амалда бўлган туркий тилдан муайян даражада фарқ қилганини кўраемиз.

XV асрга келиб, туркий адабий тилга иккига – шарқий туркий тил (Марказий Осиё адабиёти) ва ғарбий туркий тил (Онадўли мумтоз адабиёти)га ажралган¹⁴. Бизнингча, тил жиҳатидан Онадўли туркчасига яқин бўлган окқўюнли, қорақўюнли давлатлари даври адабий тилини ҳам иккинчи гуруҳга киритиш мумкин.

В.Минорский (1877-1966) қорақўюнли султонларидан бўлган Жаҳоншоҳ мирзо ижоди ҳақида ёзаркан, унинг шеърляти тили жанубий туркман шеваларига яқин экани, бу тил Озарбайжон туркчаси деб номланишини айтиб ўтади¹⁵. Бу фикрни немис турколог Гертхард Дёрфер ҳам тасдиқлаб, қорақўюнли ва окқўюнли туркманларининг тили аслида озарбайжон тилига яқинлигини таъкидлайди¹⁶.

Ғарбий туркий тил усмонийлар, окқўюнлилар, қорақўюнлилар, сафавийлар давлатларида асосий давлат тили ёки расмий тиллардан бири мақомини олган. Аксарият ҳолларда ҳарбий низомлар шу тилда юритилган, фармон ва қарорлар, ҳужжатлар имзоланган.

Шарқий туркий тил қорахонийлар, хоразмшоҳлар, Чигатой улуси, темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар сулолалари даврида, кейинчалик Қўқон ва Хива хонлиқларида, қисман Бухоро амирлигида расмий тил мақомига эга бўлган.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу даврда ҳар икки адабий тил ўртасида қатъий чегаралар бўлмаган. Шарқий туркий тил вакиллари ўз даврида ўғуз туркчаси элементларидан кенг фойдаланган бўлсалар, Ғарбда ҳам эски ўзбек тили (чигатой туркчаси)да ёзиш анъанаси вужудга келган¹⁷.

¹³ Алишер Навоий. Насойимул-муҳаббат. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан. Т.17. 2001. Б.478.

¹⁴ Четиндоғ Ю. Алишер Навоий ва Усмонли шеърляти. – Тошкент: Мухаррир, 2011. – Б.12.

¹⁵ Minorsky V. Jahanshah Qara Qoyunlu and his Poetry // *Turkmenica. Bulletin of the school of Oriental and African Studies.* – London: University of London, V 16, 1954. – P. 308.

¹⁶ Doerfer R.G. Iran'da türkler // *Türk dili.* 1987. № 431. – P. 248.

¹⁷ Sertkaya O. “Osmanlı şairlerinin çagatayca şiirleri” // *Istanbul Universitesi Edebiyat fakultesi Turk dili ve edebiyati.* №18. 1970. – P. 133-138.

Навоий яшаган даврда бир катор туркий халқлар яшагани, уларнинг оғзаки нутқи бир-биридан фарклангани ҳақиқат. Аммо, ўша давр туркий адабиётида – Кошғардан то Истанбулга қадар чўзилган турк дунёси адабий муҳитида бир-биридан шаклий-услубий жиҳатдан фаркланиб турувчи иккита туркий тил мавжуд эди. Ўша даврларда бир адабий муҳитда машҳур бўлган ижод намуналарини бошқасида ўша ҳудуд адабий тили ва услубига мослаштириб кўчириш, тарқатиш одат саналган. Буни биз тадқиқотимиз асосий мавзуси – “Оққўюнли мухлислар девони” мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Умуман олганда, Алишер Навоийнинг ижоди ўша даврдаги бошқа туркий мамлакатлар, жумладан усмонийлар ва оққўюнлилар давлатига кириб бориши ва улардаги адабий муҳитга таъсир кўрсатиши табиий ҳол эди. Ёш Навоийнинг шеърлари Оққўюнлилар давлатига кириб бориши, асарлари шу мамлакат адабий тилига табдил қилиниб кўчирилиши ҳам Алишер Навоий ижодига қизиқиш у яшаган макондан ташқарида жуда эрта бошланганидан далолат беради.

Бобнинг “1460-1470 йиллари Хуросон ва қўшни ҳудудлардаги сиёсий ва маданий муҳит” номли иккинчи фаслида XV асрнинг 60-70 йилларида Хуросон ва қўшни ҳудудлардаги сиёсий вазият атрофлича ёритилди. Маълумки, оққўюнлилар ва қоракўюнлилар уруғи милодий VI-VII асрларда юзага келган ва ўғуз туркманлари, хусусан бугунги Озарбайжон халқининг шаклланишига таъсир кўрсатган.

Тарихий маълумотларга кўра, 1468 йил февраль ойининг охирларида султон Абусаид мирзо Озарбайжонга юриш бошлайди. Аммо, ҳаддан ташқари совуқ ҳаво ва озик-овқат танқислиги темурий султоннинг 50 минг кишилиқ қўшинини ҳолдан тойдиради. Узун Ҳасан Абусаиднинг оз сонли қўшинини осонлик билан мағлуб этиб, унинг ўзини асир олади.

Худди шу пайтда Шохрух мирзонинг чевараси Ёдгор мирзо (1451-1470) Узун Ҳасаннинг саройида эди. У Абусаиднинг тақдирини ҳал этишни Ёдгор мирзога топширади. Ёдгор мирзо Абусаидни қатл этади. Узун Ҳасан шундан сўнг Хуросон мулкини Ёдгор мирзога топшириб, уни Ҳиротга юборади. Бундан мақсад Узун Ҳасан Ёдгор мирзо орқали бутун Хуросонни ўз тобелиги остида сақлаш эди¹⁸.

Аммо, бу пайтда Хуросон тахтига яна бир темурийзода – Хусайн Бойқаро ҳам кўз тикиб турганди. У 1469 йил 17 март куни Ҳиротга тантанавор кириб келади¹⁹. Бу пайтда Алишер Навоий Самарқандда эди. Хусайн Бойқаро уни Ҳиротга чақиртириб олади ва унга муҳрдорлик лавозимини топширади. Узун Ҳасаннинг ёрдами билан Хуросонни эгалламоқчи бўлган Ёдгор мирзо ҳам тахтни қўлга киритиш учун қулай фурсатни кута бошлайди. 1469 йилнинг куз ойларида Астрободни эгаллаб, исён кўтаради. Хусайн Бойқаро исённи бостириш учун йўлга чиққан фурсатда Ҳиротда маҳаллий аҳолиси солиқларни оширган амалдорларга

¹⁸ Hayrunnisa A. Bazkurdan Cennet bahçesine Timurlular. – İstanbul: Ötüken, 2015. – S. 217-218.

¹⁹ Бертельс Э. Навои и Джами. – Москва: Наука, 1965. – Б. 26-27.

қарши кўзғолон кўтаради. Аммо Алишер Навоийнинг доно тадбирлари туфайли Ҳиротда яна тинчлик ўрнатилади²⁰.

1470 йилнинг ёзида Ёдгор мирзо Ҳусайн Бойқаронинг пойтахтда йўқлигидан фойдаланиб, Ҳиротни эгаллайди. Бертельснинг ёзишича, унинг бу галги юришида туркман саркардалари (Узун Ҳасан ва унинг ўғиллари кўзда тутилган бўлиши керак – РЖ.) ҳам ёрдам беришади²¹.

Ҳусайн Бойқаро Ёдгор мирзони енгиб қатл эттиргани, табиийки, окқўюнлилар ҳукмдорининг эътиборидан четда қолмаган. Хуросон тахтини эгаллаган янги темурий ҳукмдорга нисбатан Узун Ҳасан ўта эҳтиёткорона муносабатда бўлган ва уни ҳар жихатдан ўргана бошлаган.

Қорақўюнлилар ва окқўюнлилар ҳукмронлиги давридаги тож-тахт курашлари, қонли можаролар шов-шуви ҳам темурийлар давлатига етиб келган, бу ҳодисаларни Алишер Навоий ҳам зийраклик билан кузатган эди. У ана шундай ҳолатлар темурийлар хонадонида юз беришидан хавфда эди. Шу сабабли у Ҳусайн Бойқаро ва унинг ўғли Бадиуззамон мирзо ўртасидаги ихтилофни муттасил бартараф этишга интилган ва ота-ўғилни муросага чақириб келган.

“Муншаот”да Алишер Навоий Бадиуззамон мирзога йўллаган мактубида қуйидагича ёзади: *“Ота била ўғулдин ўғул била ота орасида фарқлар бор Бойсунғур мирзо ўғлонларидин Бобир мирзодек эрмас эрдингизким, кўп шафқат кўрмаммиш бўлғайсиз. Улуғбек мирзо фарзандларидин Абдуллатиф мирзодек ё Жаҳоншоҳ мирзо ўғулларидин Ҳасаналидек, тенгрилик ўртададур”*²².

Алишер Навоий қорақўюнли ва окқўюнли давлатларидаги адабий муҳитдан ҳам хабардор бўлган. “Мажолис ун-нафоис”да темурий подшоҳ ва шаҳзодалар қаторида қорақўюнлилардан Жаҳоншоҳ, окқўюнлилардан султон Яъқубни санаб ўтади ва уларнинг шеърларидан мисоллар келтиради.

Усмонлилар ва окқўюнлилар мансуб бўлган ўғуз турклари орасидаги Навоий ижодига бўлган қизиқиш шоир ҳаётлик давридаёқ бошланганди. Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида ўзининг ютуқларидан ҳақли равишда фахрланиб, шу мисраларни битган эди:

*Олибмен таҳти фармонимга осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон
Хуросон демаким, Шерозу Табриз,
Ки қилмишдур найи қилким шакаррез”*²³.

Бу шеъринг парчадан аён бўлишича, ўз даврида Хито – Шарқий Туркистондан то Хуросон ва Эроннинг ғарбий қисмигача бўлган худудда яшаган халқлар Навоий ижодидан баҳраманд бўлган.

²⁰ Бертельс Э. Навои и Джами. – Москва: Наука, 1965. – Б.84.

²¹ Бертельс Э. Навои и Джами. – Москва: Наука, 1965. – Б.84.

²² Алишер Навоий. Муншаот. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1998. Т.14. – Б. 185.

²³ Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. МАТ. 20 жилдлик. Т.8. – Тошкент: Фан, 1997. – Б. 485.

XV асрда Навоий даврида Ҳиротга таълим олиш учун борганлар. Навоий қўлэмаларини Озарбайжонга олиб келишган, шу тариқа бу худудда Навоий ижодига бўлган қизиқиш тобора ортиб борган²⁴.

Навоий билан деярли бир пайтда, оққўюнлилар давлати пойтахтида яшаган хоразмлик котиблар сулоласининг вакили Абдуррахим Хоразмий (Анисий) ҳам Навоий ҳаёти ва ижодини оққўюнлилар билан боғлаб турган муҳим тарихий шахслардан биридир. “Оққўюнли мухлислар девони” ҳам айнан ушбу котиб томонидан кўчирилган²⁵. Абдуррахим Хоразмий – Анисий ҳам умрининг маълум қисмини Табризда, Султон Яъқуб саройида ўтказган, шу ерда кўпгина буюк шоирлар қаторида Алишер Навоий асарларини кўчирган.

Бугунги кунга қадар етиб келган, Анисий дастхатига мансуб нодир қўлэмалардан бири Алишер Навоийнинг шеърларидан сараланган сайланмадир. Чамаси, Анисий ўз ташаббуси билан Алишер Навоийнинг байтларидан иборат сайланма тузиб, султон Яъқубга туҳфа қилган. Мазкур қўлэма 1481 йилда Табризда кўчирилган²⁶.

Диссертациянинг иккинчи боби “Оққўюнли мухлислар девони”нинг қиёсий тадқиқи” деб номланади. Бобда девоннинг Алишер Навоий ижодига мансуб айрим девонлар билан қиёси амалга оширилди.

Бобнинг 1-фасли “Оққўюнли мухлислар девони”нинг яратилиши ва ўрганилиши” муаммосига бағишланган. Бугунги кунда Миср Миллий кутубхонасида сақланаётган ушбу нодир қўлэманинг ўзбек навоийшунослигига олиб кирилиши ва ўрганилиши филология фанлари доктори А. Эркинов илмий фаолияти билан боғлиқ²⁷.

Мазкур қўлэма нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон навоийшунослигида катта қизиқиш билан қабул қилинди ва илк факсимил нусхаси Японияда нашр қилинди²⁸. Мазкур тадқиқот асносида бу борадаги изланишлар қўламини кенгайтириш, аниқланган маълумотларни изчил текшириб, янги маълумот ва фаразларни ўртага ташлашга ҳаракат қилинди.

Гарчи 1471 йилга қадар Навоий ўзи девон тузмаган бўлса-да, Ҳиротда мухлислари томонидан аллақачон унинг девони тартиб берилган эди. 1466 йилда Султон Али Машҳадий томонидан китобат қилинган бу қўлэма фанда “Илк девон” номи билан машҳур бўлиб, Санкт-Петербургда, Салтиков-Шчедрин номидаги Россия Миллий кутубхонасида 564-инвентарь рақами остида сақланади²⁹.

²⁴ Nağyeva S. Azərbaycanda Nəvai. – Bakı: Tural-E, 2001. – B. 61.

²⁵ Жабборов Р. “Алишер Навоийнинг табризлиқ котиби Анисий ҳаёти ва ижоди” // Маводи конференсия илмий-амалии байналмилали дар мавзӯи “Паёми пешвои миллат – оинаи рушди сиёсий, иқтисодий-иҷтимоӣ ва мадани Тоҷикистон”. – Панжикент, 2019. – С 241.

²⁶ Эркинов А., Жабборов Р. Навоий шеърлари “Султон Яъқуб сайланмаси”да. “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзӯидаги халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент, 2019. – Б. 36-41.

²⁷ Эркинов А. Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган яна бир девони // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. №1. – Б. 8-16.

²⁸ Алишер Навоий. Оққўюнли мухлислар девони (1471 йил). Нашрга тайёрловчи А.Эркинов. – Токуо: Institute for Languages and Cultures of Asia and Africa, 2015.

²⁹ Алишер Навоий. Илк девон. 1466 йилда кўчирилган қўлэманинг факсимиле нашри. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон. – Тошкент: Фан, 1968.

Алишер Навоий ўзи тартиб берган дастлабки девони – “Бадойиъ ул-бидоя” (Бадийликлар ибтидоси) дебчасида халқ ичида ўзининг 1000–2000 байтдан ортиқроқ шеърлари тўплаб кўчирилгани ва тарқалганини, яъни ихлосмандлари томонидан тузилган бундай тўпламлар бўлганини таъкидлайди³⁰.

«Илк девон» кўчирилгандан кейин олти йил ўтиб, яъни 1471 йили янги тўплам – “Оққўюнли мухлислар девони”нинг тартиб берилиши Навоий фикрларини тасдиқлайди. Эътиборлиси, бу янги топилган тўпламда 1300 дан кўпроқ байтлар ўрин олган. Ушбу девон ҳам “Илк девон” сингари унинг ўзи томонидан эмас, айнан мухлислари томонидан тузилган бўлиши мумкинлигини инобатга олиб, шартли равишда “Оққўюнли мухлислар девони” деб аталган. М.Имомназаров текширишларига кўра, “Илк девон”даги 391 ғазалдан 45 таси “Оққўюнли мухлислар девони”га ўтган.

Маълумки, Шарқ кўлғезмаларида одатда китобнинг ёзилиш тарихи, котиб ҳақидаги маълумотлар матн охирида, хотима қисмида берилади. Мазкур кўлғезма хотимасида (67а саҳифа) араб тилида куйидаги маълумотлар келтирилган:

*“Мазкур китобни кўчириши Маликул Ваҳҳоб (Аллоҳ) ёрдами билан яқунланди. Китобни (Раббининг) марҳаматига муҳтож фақир Абдурахим ибн Абдурахмон ал-Хоразмий – Аллоҳ унинг айбларини яшириб, аҳволини яхшиласин ва гуноҳларини кечирсин – ҳижрий 876 йил муқаддас ражаб ойининг ўн иккинчисида кўчиришни тугаллади*³¹. Хотимадаги хижрий сана милодий йил ҳисобига ўтказилганда, 1471 йили 24 декабрь санаси келиб чиқади.

Шарқшунос олима П.Сужек Навоийнинг мазкур девони кўлғезмаси тўғрисида шундай ёзади: “Навоий девони Абдурахим Хоразмий томонидан кўчирилган. У 1471–1478 йиллари Шерозга ҳокимлик қилган оққўюнли султон Узун Ҳасаннинг (1453–1478) ўғли Халилга ёки бирор мансабдорга атаб кўчирилган бўлиши керак”³².

П.Сужек кўлғезмага Навоий девони нусхаларидан бири сифатида қараб, унинг таркибига ва кўчирилиш муддатига етарлича эътибор бермаган. Бошқа мутахассисларнинг ҳам манбадаги Навоий шеърларига диққат қаратмаганлари боис унинг навоийшунослик учун аҳамияти очилмасдан қолиб келаверган³³.

Бу даврда султон Халил (1442–1478) Шероз шаҳри ҳокими бўлган³⁴. У 1478 йили фақатгина олти ой мобайнида оққўюнлилар ҳукмдори бўлиб,

³⁰ Алишер Навоий, Бадоеъул-бидоя. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан. 1987. Т.1. – Б. 24.

³¹ Çağman F. “Топкари Sarayı Müzesi Hazine 762 no.lu Nizami Hamsesinin Minyatürleri” // Istanbul: Sanat Tarihi Yıllığı. № 5. – P. 603-605.

³² Soucek P. Abd al-Karīm b. ‘Abd-al-Rahmān Khārazmī // Encyclopædia Iranica. Vol. I, 1985. – P.123-125.

³³ Robinson, B. A Descriptive Catalogue of the Persian Paintings in the Bodleian Library. – Oxford: Clarendon Press. 1958. – P. 79.

³⁴ Khunji Rūzbihān. Persia in A.D. 1478-1490. An abridged translation of Fadlullāh b. Rūzbihān Khunji’s Tārīkh-i ‘Ālam-ārā-yi Amīnī, by V. Minorsky. – London: Royal Asiatic society. 1957. – P.25-40.

Табризда яшаган. Шундан сўнг укаси Султон Яъқуб (1478–1490) тахтни эгаллаган³⁵.

П.Сужек манбадаги иккита миниатюрани ўша пайтлардаги Шероз миниатюра мактабининг таниқли намояндаси, маълум муддат Султон Халил саройида яшаб ижод қилган Дарвиш Муҳаммадга тегишли бўлса керак, дея тахмин қилади ва девон султон Халил топшириғи билан ёзилган бўлиши мумкин, деган фаразни илгари суради³⁶. Бироқ, девон окқўюнлилар давлати пойтахти Табризда, Узун Ҳасан саройида кўчирилгани бўлиши ҳам мумкин. 1471 йилда Узун Ҳасан эндигина давлат тепасига келган, ички зиддиятларни бартараф этиш баробарида ташқи муҳитга ҳам ғоят зийраклик билан эътибор қаратмоқда эди. Эндигина тахтга ўтирган Хусайн Бойқаро эса ўзининг мавқеини ички ва ташқи жиҳатдан мустаҳкамлаш учун кучли ва ишончли иттифокчига эҳтиёж сезарди.

“Окқўюнли мухлислар девони”нинг кўчирилиши Ёдгор мирзо ўлдирилиб, султон Хусайн Бойқаро Хуросон тахтининг мутлақ ҳукмдорига айланиши билан деярли бир вақтда юз бериши тасодифга ўхшамайди. “Окқўюнли мухлислар девони”нинг юқорида келтирилган хотимасидаги бир жумлада Узун Ҳасан исмига ишора учрайди. Арабий хотимадаги *واحسن احواله* – *ва аҳсана аҳвалаҳу* (“Ахволини яхшиласин”) жумласида ҳукмдор исми – *حسن* (Ҳасан) сўзини кўриш мумкин. Демак, девоннинг Узун Ҳасан учун ёки бевосита унинг топшириғи билан ёзилган деб тахмин қилсак бўлади.

Хусайн Бойқаро ва Узун Ҳасан ўртасидаги муносабатлар доирасида Шарқ дипломатияси анъаналарига мувофиқ қимматбаҳо совғалар билан бирга турли қўлёмалар, китоблар ҳам юборилган. Эҳтимол, Хусайн Бойқаронинг мактуби билан бирга шоҳона ҳадялар қаторида Алишер Навоий ғазаллари ҳам окқўюнлилар давлатига юборилган бўлиши мумкин. Кейинчалик, бу ғазаллар ўғуз туркчасида ўқилиши осонроқ бўлиши учун котиб Абдурраҳим Хоразмий томонидан махсус кўчирилган, ундаги эски ўзбек тили қисман ўғуз туркчасига мослаштирилган бўлиши мумкин.

Бобнинг 2-фаслида **“Окқўюнли мухлислар девони”нинг таркибий тузилиши: шакл, мазмун ва услуб уйғунлиги**” муаммоларига эътибор қаратилган. Навоийнинг мазкур девони қўлёмаси ҳақидаги илк маълумот 1935 йилда нашр этилган Қоҳира кутубхонасидаги расмли қўлёмалар каталогига келтирилади³⁷. Алишер Навоий девони қўлёмаси Lit. Turc. 68 инвентарь рақами остида сақланаётган бўлиб, у мукова ҳамда 67 варақдан иборат³⁸. Қўлёмма 200x130 см ҳажмга эга, ундаги матн битилган майдон 140x75 миллиметрни ташкил этади. Матн настаълиқ ёзувига яқин хат турида, икки устунга битилган³⁹.

Қўлёммада Навоийнинг жами 228 та шеъри келтирилган. Улардан 223 таси ғазал, биттаси мустазод, учтаси мухаммас, биттаси таржеъбанд жанрида

³⁵ Woods J. *The Aq Qoyunlu: Clan, Confederation, Empire* (2nd ed.). – Salt Lake City, 1999.

³⁶ Soucek P. *Abd-Al-Rahman Karazmi // Encyclopædia Iranica*, I/2, 1985. – P. 147.

³⁷ Stchoukine I. *Les manuscrits illustres musulmans de la Bibliothèque du Caire // Gazette des Beaux-Arts* 77. (6. periode, T.13). №35, 1935. – P. 151.

³⁸ http://www.artmaecenas.ru/schukin_family/schukin_si/pedigree/schukina_ig/schukin_is/index.php

³⁹ Алишер Навоий, Окқўюнли мухлислар девони. – Б. 67.

ёзилган. Девондан ўрин олган ғазаллар асосан 6-7 байтдан иборат. Унда Навоий девонларига киритилган йирик ҳажмли ғазаллар қисқартириб берилган.

Қўлёзмадан ўрин олган икки минитюралардан бири (186)да табиат манзаралари фонида, ариқ бўйида от устидаги ёш зодагон (афтидан шаҳзода бўлиши керак) ва унинг мулозими боғда ўсмир йигит қарши олаётгани тасвирланади. Суратнинг шу саҳифадан ўрин олган матн билан мантқан алоқаси сезилмайди. 476 саҳифада ҳам соябон остида шоҳона либосларда ўтирган ёш йигитга уч нафар мулозим тик турганча мулозамат кўрсатаётгани акс этган.

